

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҲУЗУРИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ САПАРБОЙ ЗАРИПОВИЧ

**ВАҚТГА БОҒЛИҚ ҚОПҚОНЛАРДА ВОДОРОД АТОМИДА КВАНТ
ДИНАМИКА ВА НОЧИЗИҚЛИ ОПТИК ЖАРАЁНЛАРНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.02 – Назарий физика

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахманов Сапарбой Зарипович

Вақтга боғлиқ қопқонларда водород атомида квант динамика ва
нечизикли оптик жараёнларни моделлаштириш

3

Рахманов Сапарбой Зарипович

Моделирование квантовой динамики и нелинейных оптических
явлений в атоме водорода в нестационарных ловушках

23

Rakhmanov Saparboy Zaripovich

Modelling of the quantum dynamics and nonlinear optical phenomena on
hydrogen atom in non-stationary traps

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҲУЗУРИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ САПАРБОЙ ЗАРИПОВИЧ

**ВАҚТГА БОҒЛИҚ ҚОПҚОНЛАРДА ВОДОРОД АТОМИДА КВАНТ
ДИНАМИКА ВА НОЧИЗИҚЛИ ОПТИК ЖАРАЁНЛАРНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.02 – Назарий физика

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2020.4.PhD/FM200 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матрасулов Даврон Урунович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Эшчанов Баходир Худайбергенович

физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сапаев Усман Каландарович

физика-математика фанлари доктори

Байзаков Бахтиёр Байзакович

физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.09 рақамли Илмий кенгаш қошидаги Бир маргалик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



М.М. Мусаханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, академик

Б.А. Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Б.Ж. Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда содда атомларни турли хил қопқонларга жойлаштириш йўли орқали уларнинг квант хоссаларини бошқаришга йўналтирилган тадқиқотлар долзарбдир. Қопқон ташқи электромагнит майдон ёрдамида ҳосил қилинган ҳолатларда қопқоннинг оптик майдони билан атом таъсирлашганда юқори оптик гармониканинг генерацияси каби ночизикли оптик ҳодисалар билан тавсифланадиган ёндош жараёнларни ўрганиш ва бошқариш муҳим ҳисобланади. Чегараланган атомларда ночизикли оптик жараёнларни моделлаштириш атом физикаси, квант физикаси, замонавий ва ночизикли оптика, квант оптикаси, аттосекунд физика, лазер физикаси каби қатор соҳаларда муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда қопқондаги атомнинг хусусиятлари эркин атомникига қараганда тубдан фарқ қилади, яъни атом электронининг физик характеристикалари қопқоннинг шакли ва ўлчамига кучли боғлиқ бўлади. Шу сабабли, қопқон ичида жойлаштирилган атом ва молекулаларда квант режимдаги ночизикли оптик ҳодисаларни ўрганиш қизиқиш уйғотади.

Жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, стационар ва ностационар қопқон ичига жойлаштирилган атомларни ўрганиш атомнинг совуши, атом- оптик биллиардлар, фуллерен ва углерод нанотурбукалари ичидаги атом, ультраюқори босим остидаги атом хусусиятлари масалаларида муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари стационар ва вақтга боғлиқ Шредингер тенгламаси ёрдамида атом электрони тўлқинларининг хоссаларини аниқлаш ва тўлқин тенгламаларини сонли ечиш усулларини тадқиқ қилиш оптика ва квант физикасининг долзарб масалаларидан бири саналади. Амалий ва назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эркин атомларда гармоника генерация спектрининг интенсивлиги гармониканинг тартиби ортиши билан кескин камаяди. Кескин камаймайдиган спектр ва юқори қийматли интенсивлик олиш мақсадли тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган опкита ва назарий физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Шу жумладан, “атом+қопқон” системасини квант информатикаси ва квант технологияларида қўллашга йўналтирилган назарий тадқиқотлар ва амалий ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ностационар қопқондаги бир электронли атомларнинг квант динамикаси ва ночизикли оптик жараёнларни тадқиқ этишда, долзарб назарий ҳамда амалий масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди. “Электроника, наноматериаллар физикаси ва амалий математика” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда қопқон ичидаги

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори

атом ва молекулалар масаласини ечиш назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Наноўлчамли қопқонлар ичига жойлаштирилган атом ва молекулалар замонавий квант механикасининг фундаментал асосларини синаш учун идеал системалар ҳисобланади. Бундан ташқари, шунга ўхшаш системалар квант компьютерларни ишлаб чиқиш, квант интерференцион ҳодисаларни ҳамда қатор бошқа квант эффектларни синаш учун асосий номзод сифатида қаралади. Шунинг учун, кейинчалик амалда қўллаш учун ўхшаш системанинг квант ҳоссаларини соzлашга имкон берувчи “атом+қопқон” квант системасининг эффектив моделларини яратиш замонавий физиканинг қатор йўналишлари кесишмасида ётувчи муҳим илмий-амалий масала ҳисобланади. Бундан ташқари, наноўлчамли қопқонлардаги атом ва молекулаларнинг квант хусусиятлари модификациясини ўрганиш ўта юқори босим остидаги модда хоссалари муаммоси учун муҳим ҳисобланади. Ўра ичида жойлаштирилган атом (atom-in-box) системасини илк тадқиқотлари ўтган асрнинг 30-йилларида А. Майкелс (A. Michels), Ж. де Боер (J. de Boer), А. Бижл (A. Bijl) ва А. Зоммерфелд (A. Sommerfeld), Х. Велкер (H. Welker) ишларида келтирилган. Ушбу тадқиқот ишларида атомга қопқон девори томонидан берилувчи юқори босимнинг таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилган. Кейинроқ эса, Э.П.Вигнер (E.P. Wigner) бу масалани Релей-Шредингер (Rayleigh-Schrödinger) ғалаёнланиш назарияси доирасида ўрганди ва чексиз ўра ўлчамининг лимитида натижалар эркин атомдаги натижаларга мос келмаслигини кўрсатган. Бундай системада гипер ажралиш (hyperfine splitting) масаласини Д. Сурянараяна (D. Suryanarayana), Ж.А. Вейл (J.A. Weil) лар қараб чиққан ва Э. Лей-Коо (E. Ley-Koo), С. Рубинштейн (S. Rubinstein) лар масаланинг биринчи сонли ечимини тақдим этишган. Ўра ичидаги атом системасининг ҳар томонлама ёндошувини Бурровс (Burrows) ва ҳаммуаллифларининг бир қанча ишларида учратиш мумкин. Улар системанинг хусусий қийматларини топиш учун турли хил аналитик ва сонли

методлардан фойдаланганлар. 2004- йилда Д.Р. Масович (D.R. Masovic) эса ташқи электр майдон орқали бошқариладиган ва сферик ўра ичига жойлаштирилган чегараланган водород атомининг квант динамикасини ўрганган.

Ж.П. Коннераде (J.P. Connerade) ва унинг ҳаммуаллифлари фуллерен ёрдамида ҳосил қилинган қопқонларни (атомлар учун) ўра ичига жойлаштирилган атом системасининг бошқа кўриниши деб қарашган. 2011-2012 йилларда квант заррачаларининг ҳаракатланувчи деворли қопқонлардаги хоссалари К. Накамура ва Д. Матрасуловнинг ишларида батафсил ўрганилган. 2015 йилда ностационар квант қопқонларнинг ҳосил қилиниш имкониятлари Соколовский ва унинг ҳаммуаллифлари ишларида муҳокама қилинган. Атом сатҳлари энергетик спектрининг модификацияси 2010-2017 йилларда Бурровс ва Коеннинг (Burrows and Cohen) бир қатор ишларида ўрганиб чиқилган.

Ташқи электромагнит майдон билан таъсирлашаётган ўра ичидаги атом системаси ва бундай системада оптик гармоника генерацияси учун бир неча моделларни Д.Р. Масович (D.R. Masovic) таклиф қилган, бунда ўра юқори зич муҳит (масалан, электрон газ, плазма ва бошқалар) орқали ҳосил бўлади деб ҳисобланади. У таклиф этган моделга кўра, лазернинг етарлича юқори интенсивликларида ва муҳитнинг юқори зичликларида (атомлар гуруҳидан ташкил топган) узлуксизликда электрон тўлқин пакетининг квант йўли атрофидаги бошқа атомлар (ёки ионлар) нинг майдонлари орқали ғалаёнланиши мумкин. Аммо, бундай модел стационар (қўзғалмас) деворли қопқонни кўриб чиқади. Атом хусусиятларининг модификацияси ва оптик гармоника генерацияси контекстида қопқоннинг ҳаракатланувчи деворли вазияти ҳанузгача ўрганилмаган масала бўлиб қолётган эди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Халқаро Фанлар Академияси фонди (The World Academy of Sciences (TWAS)) №15-198 RG/PHYS/AS_I – FR3240287086 ва Япониянинг Матсумае халқаро фонди № 16G14 лойиҳаларини қамраб олган ҳолда, диссертацион тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади стационар ва ностационар қопқон ичига жойлаштирилган атомнинг квант хоссаларини ўрганиш, тўлқин функция ва энергетик спектрнинг модификациясини аниқлаш, ташқи оптик майдон билан таъсирлашувчи қопқондаги атомда оптик гармоника генерациясини аниқлаш, “атом+қопқон” системаси учун ностационар Шредингер тенгламасини сонли усулда ечиш, бундай системада квант режимда ҳосил бўлган юқори гармоника спектрини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шредингер тенгламасининг ечими ёрдамида бир ўлчамли стационар ва ностационар қопқонлар ичидаги заррача ва атом электронининг тўлқин функциясини топиш;

Шредингер тенгламасининг ечими ёрдамида икки ўлчамли стационар қопқонлар ичидаги заррачанинг тўлқин функциясини топиш;

Шредингер тенгламасининг ечими ёрдамида уч ўлчамли стационар ва ностационар сферик қопқонлар ичидаги заррача ва атом электронининг тўлқин функциясини топиш;

қопқондаги заррача ва атом электронининг физик, оптик характеристикаларини турли хил қопқон параметрлари учун ҳисоблаш, жумладан, заррача ва атом электронининг ҳолат энергиялари, ўртача кинетик ва тўлиқ энергиялари, ўртача координата, ўртача дипол моменти, электронга таъсир қилувчи ўртача куч ва босими;

қопқондаги заррача ва атомга ташқи электромагнит майдон билан таъсирлашганда юзага келувчи ночизиқли оптик жараёнларни ўрганиш;

қопқоннинг турли параметрлари учун гармоника генерация спектрини ҳисоблаш;

фазовий конфайнмент мавжуд бўлганда РТ-симметрик ташқи майдон билан таъсирлашувчи квант зарралар хоссаларини моделлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида стационар ва ностационар қопқонлар, уларнинг ичига жойлаштирилган заррача ва атомлар ҳамда чизиқли қутбланган ташқи электромагнит майдон танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилаётган системада турли хил шакл ва ўлчамли қопқонлардаги заррача ва атом электронининг квант динамикаси ва уларда ташқи электромагнит майдон таъсирида юзага келувчи оптик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда чизиқли тўлқин тенгламаларининг аналитик ва сонли ечиш методлари, сонли моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳаракатланувчи чегарали ўра ичига жойлаштирилган водород атомининг динамикасини тавсифловчи вақтга боғлиқ чегаравий шартларга эга ностационар Шредингер тенгламасининг ечими топилган;

вақтга боғлиқ равишда радиуси узгарувчи сферик қопқон ичига жойлаштирилган заррача ва атомнинг квант динамикасини тавсифловчи вақтга боғлиқ чегаравий шартларга эга уч ўлчамли Шредингер тенгламасининг ечими топилган;

стационар қопқон учун энергетик спектр ва ҳаракатланувчи деворли сферик қопқонда деворлар ҳаракатининг турли хил (чизиқли кенгаювчи, чизиқли тораювчи ва гармоник тебранувчи) режимлар учун ундаги атом электронинг ўртача кинетик ва тўлиқ энергияларининг вақтга боғлиқлиги ҳисобланган;

ташқи электромагнит майдон таъсиридаги сферик қопқонда чегараланган атом квант динамикасини тавсифловчи ностационар Шредингер тенгламасининг ечими топилган;

сферик қопқонда ташқи оптик майдон билан таъсирлашадиган атом учун юқори гармоника генерация спектри ҳисобланган;

ташқи оптик РТ-симметрик потенциал билан таъсирлашаётган РТ-симметрик квант конфайнмент системанинг модели таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Нано- ва субнаноўлчамли қопқонлардаги атомларнинг хоссаларини моделлаштириш квант информатикада (чигал квант ҳолатларни ва улар асосида қюбитларни ҳосил қилиш учун), квант технологияларда (алоҳида атомлар манипуляцияси асосида ишловчи наноэлектронли қурилмалар яратиш учун) ҳамда ўта юқори босимларга чидамли материаллар яратиш масаласи (масалан водород сақлаш масаласи) учун бевосита амалий қўлланилишга эга. Ушбу диссертацияда олинган илмий натижалар чигал квант ҳолатлари генерацияси учун қурилма модели сифатида хизмат қилиши мумкин. "Атом+сферик ўра" моделини юқори босим остида водородни сақлаш қурилмаси сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги шундан иборатки, сферик ғовак шаклли қопқондаги атомни моделлаштириш учун қўлланиладиган динамикалари батафсил ўрганилган ва ўта юқори босим остидаги модда хусусиятини ўрганиш доирасида кенг тан олинган. Бу ерда ушбу яқинлашиш қопқоннинг ностационар (ҳаракатланувчи) чегаралари ҳолатида умумлаштирилади. Ностационар Шредингер тенгламаларининг сонли ечими натижалари асосида тадқиқотнинг хулосалари шакллантирилган, уларнинг аниқлиги норма сақланиши билан тасдиқланган. Олинган натижалар бир қатор республика ва халқаро конференцияларда апробация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда "атом+ностационар сферик ўра" системаси учун биринчи марта қопқоннинг тезда кенгайиши пайтида атомнинг тескари уйғониши (атом электронининг уйғонган ҳолатдан асосий ҳолатга ўтиши) ҳамда гармоник тебранувчи қопқон учун атомнинг диффузион уйғониши аниқланган. Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилганки, тебранувчи деворлари бор бўлган сферик қопқонда жойлашган атомда босимнинг бошланғич ўсиши ва кейинчалик ўсишнинг тўйиниши вақтнинг функцияси каби содир бўлади. Ташқи оптик майдон таъсирида "атом+сферик қопқон" системада юқори гармоника генерацияси модели ҳам биринчи марта таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дельта зарбалар мавжуд бўлганда Шредингер тенгламасининг диссертацияда таклиф қилинган ечилиш методи вақт бўйича даврий ташқи майдон билан таъсирлашувчи РТ-симметрик системаларда квант зарраларнинг динамикасини моделлаштириш учун Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазирлигининг "Тармоқланган углерод наноструктураларида квант транспорти" номли (БФ2-022) лойиҳаси доирасида қўлланилган (Ўзбекистон Физика Жамияти 21.09.2020 №3/02-11 маълумотнома) Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш РТ- симметрик потенциал билан таъсирлашаётган заррачани тавсифловси Шредингер тенгламасининг ечимидан фойдаланган ҳолда паст ўлчамли РТ-симметрик тармоқланган углерод наноструктуралардаги квазизарраларнинг квант транспорти ҳақидаги масалани ечишга имкон берган.

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва амалий тадбиқи ҳақида Эссекс университети (Буюк Британия) ва Халифа университети (Бирлашган Араб

Амирлиги) профессори Ҳади Сузанто (Hadi Susanto) дан маълумотнома олинган.

Наноўлчамли ковакда чегараланган атомда юқори гармоника генерациясини ўрганиш натижалари хорижий журналда (European Physical Journal D Volume: 75 Issue: 6 Article Number: 166 Published: JUN 2021. Scopus, IF: 1.425) юқори тартибли гармоникаларнинг юзага келишини моделлаштиришда фойдаланилган. Бу ўз навбатида чегараланган квант системаларда юқори тартибли гармоникалар генерациясини ҳосил бўлиш механизмларини чуқурроқ тушунтириш имконини берган.

Бир ўлчамли ўрада жуфтлик алмаштириш ва вақт акслантиришга нисбатан симметрик зарбали заррача квант динамикасини ўрганиш натижалари хорижий журналларда (New Journal Of Physics Volume: 22 Issue: 10 Article Number: 103011 Published: OCT 2020. Scopus, IF: 3.729; arXiv:2103.05314v2, 2021) ноэрмитлилиқ ва квант хаос ҳамда квант локализация орасидаги боғлиқликни тушунтиришда фойдаланилган. Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ноэрмитлилиқ ва хаос орасидаги боғлиқликни кўрсатиш ҳамда РТ-симметрик системада зарба параметрининг қайсидир қийматидан бошлаб РТ-симметрикликнинг бузилишини кўрсатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 9 та, шу жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган. Бундан ташқари Германиянинг Геиделберг шаҳрида Макс Планк номидаги Ядро Физикаси институтида (MPI for Nuclear Physics), Гамбург шаҳрида Макс Планк номидаги “Модда Структураси ва Динамикаси” институтида (MPI for the Structure and Dynamics of Matter) ва Йена шаҳрида Гелмголтз институтида илмий маъруза қилинган. Италиянинг Триесте шаҳрида халқаро назарий физика маркази (International Center of Theoretical Physics (ICTP)) да постер шаклда тақдимот қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бет, шундан 12 бети адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос ҳолда долзарблиги ва зарурияти асосланган. Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқланган. Тадқиқот натижаларининг амалга жорий этилиши, нашр қилинганлик даражаси ва диссертация ишининг структураси келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Квант режимида атомларнинг ташқи майдонлар билан таъсирлашаётган пайтдаги ночизиқли оптик жараёнлар”** номли биринчи бобида ташқи электромагнит майдондаги атом, электромагнит майдонлар билан таъсирлашаётган атомларда оптик гармоника генерацияси ва аттосекунд давомийликдаги жараёнлар батафсил таҳлил қилинган. Бундай жараёнлар назарияси асослари ҳам қисқача баён қилинган. Бу соҳада бошқа олимлар томонидан олинган илмий натижалар келтирилган.

“Ностационар ўраларда водород атомининг квант динамикаси” номли иккинчи боб конфайнмент динамикаси остидаги водород атомининг бир ўлчамли моделини, стационар сферик-симметрик ўрадаги атом ва ностационар радиусли сферик ўрадаги атом динамикасини ўрганишга бағишланган.

r_0 радиусли ўтказмайдиган деворларга эга сферик ўрада чегараланган водородсимон (бир электронли) атомни қараймиз. Фараз қиламизки, атомнинг ядроси ўра марказида фиксирланган, бундай системада атом электронининг динамикаси учун бизда қуйидагича берилган стационар радиал Шредингер тенгламаси бор (атом бирликлардан, $m_e = \hbar = e = 1$ фойдаланилган):

$$\left[-\frac{1}{2} \frac{\partial^2}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} + \frac{l(l+1)}{2r^2} - \frac{Z}{r} \right] R_{nl}(r) = E_{nl} R_{nl}(r), \quad (1)$$

бунда R_{nl} тўлқин функциянинг радиал қисми, Z ядронинг заряди, n ва l мос равишда асосий ва орбитал квант сонлари. E_{nl} энергия хусусий қийматлар $R_{nl}(r)$ учун чегаравий шартдан топиш мумкин:

$$R_{nl}(r) |_{r=r_0} = 0. \quad (2)$$

Биз $r_0 = r_0(t)$ орқали берилган вақтга боғлиқ радиус билан сферик ўрада чегараланган атомни қараб чиқамиз. Бу ҳолда, сфера кенгайиш (торайиш) давомида унинг шакли ўзгармай қолади, шунинг учун, марказий симметрия бузилмайди. Шу сабабли, агар атом ядроси сферанинг марказида фиксерланса, электрон динамикаси қуйидаги берилган вақтга боғлиқ радиал Шредингер тенгламаси орқали тавсифланади:

$$i \frac{\partial R(r, t)}{\partial t} = \hat{H} R(r, t), \quad (3)$$

бунда

$$\hat{H} = -\frac{1}{2} \frac{\partial^2}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} + \frac{l(l+1)}{2r^2} - \frac{Z}{r}.$$

(3) тенглама учун чегаравий шартлар куйидагидек жорий қилинади:

$$R(r, t) |_{r=r_0(t)} = 0.$$

(3) тенгламани ечишда чегаравий шартларни вақтга боғлиқ бўлмаган (статик) формага алмаштириш керак бўлади. Бу куйидагидек янги координата, y орқали қилинади:

$$y = \frac{r}{r_0(t)},$$

ва тўлқин функциянинг алмаштиришидан фойдаланиб,

$$R(y, t) = \frac{1}{r_0(t)^{3/2} y} e^{i \frac{r_0(t) \dot{r}_0(t)}{2} y^2} \Phi(y, t),$$

куйидагича аниқланувчи янги вақт ўзгарувчини киритиб,

$$\tau = \int_0^t \frac{ds}{r_0(s)^2},$$

$\Phi(y, t) |_{y=1} = 0$ чегаравий шартга эга бўлган тенгламани оламиз:

$$i \frac{\partial \Phi}{\partial \tau} = -\frac{1}{2} \frac{\partial^2 \Phi}{\partial y^2} + \left(\frac{1}{2} r_0^3 \ddot{r}_0 y^2 + \frac{l(l+1)}{2y^2} - \frac{Z r_0}{y} \right) \Phi. \quad (4)$$

(4) тенгламани MATLAB дастуридан фойдаланиб, сонли ечиш орқали ўра девори ҳаракатининг турли хил режимлари учун атом электронининг ўртача кинетик ва тўлиқ энергияси ҳамда координатаси, электронга таъсир қилувчи ўртача куч ва босим ҳисобланди. Биз ўра деворининг уч хил режимини, яни чизиқли кенгаювчи, чизиқли тораювчи ва гармоник тебранувчи ҳолларини қарадик.

Атом электронининг кузатиладиган муҳим физик характеристикаси куйидагидек аниқланадиган унинг ўртача тўлиқ энергияси

$$\langle E(t) \rangle = 4\pi \int_0^{r_0(t)} R^*(r, t) \left(-\frac{1}{2} \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left(r^2 \frac{\partial}{\partial r} \right) + \frac{l(l+1)}{2r^2} - \frac{Z}{r} \right) R(r, t) r^2 dr,$$

ва куйидагича берилган ўртача кинетик энергиясидир

$$\langle E(t) \rangle = 4\pi \int_0^{r_0(t)} R^*(r, t) \left(-\frac{1}{2} \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left(r^2 \frac{\partial}{\partial r} \right) + \frac{l(l+1)}{2r^2} \right) R(r, t) r^2 dr.$$

Вақтга боғлиқ ўра ичидаги атом электронининг хусусияти учун масъул ҳаракатланувчи девор орқали атом электронига таъсир қилувчи ўртача куч ва бу куч орқали юзага келувчи босим муҳим характеристикалари ҳисобланади. Вақтга боғлиқ ўра учун куч оператори қуйидагича берилган:

$$\hat{F} = -\frac{\partial \hat{H}}{\partial r_0(t)}.$$

Ўртача куч қуйидагидек ҳисобланиши мумкин:

$$\langle F(t) \rangle = -\frac{\partial}{\partial r_0(t)} \langle R(r, t) | \hat{H} | R(r, t) \rangle.$$


бунда $R(r, t)$ (3) тенглама орқали аниқланган вақтга боғлиқ ўра ичидаги атом электронининг тўлқин функцияси.

Ҳаракатланувчи девор орқали атомда пайдо бўлган ўртача босим қуйидагидек ёзилади:

$$\langle P(t) \rangle = \frac{\langle F(t) \rangle}{4\pi r_0^2(t)}.$$

Қуйидаги 1-расмда ўртача тўлиқ энергия, координата, гармоник тебранувчи ўра учун девор томонидан атом электронига таъсир қилувчи ўртача куч ва босимнинг вақтга боғлиқлик графиклари келтирилган. Расмдан кўринадики, тебраниш амплитудасининг юқори қийматларида атом электронининг тебранувчи девор билан таъсири диффузион уйғонишга олиб келади, яъни ўртача тўлиқ энергия ўсади ва етарлича давомли вақтдан сўнг мусбат бўлади. Бундай ўсиш ўртача куч ва босимнинг вақтга боғлиқлигида ҳам намоён бўлади. Бу режимда ўртача координатанинг (тебранишлар билан борадиган) чизикли ўсиши кузатилади.

Шундай қилиб, тебраниш амплитудасининг «критик» қиймати (бизнинг ҳолда тахминан 0,6 нм) мавжуд, унда ўртача тўлиқ энергия бир қанча вақт давомида ўз ишорасини ўзгартиради. Тушунарлики, ўра деворининг тебраниши атомга энергия киритилишига олиб келади, бу ўз навбатида унинг диффузион уйғонишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, тебранувчи деворли ўрадаги атом ўзини олдинроқ хаотик (диффузион) ионлашиш контекстида чуқур ўрганилган монохроматик майдондаги каби тутади. Бундай модел вақтга боғлиқ ҳолда ҳолатини ўзгартирувчи зич фокусланган лазер нури билан ҳосил қилинадиган тебранувчи деворли атом оптик биллиардда амалга ошиши мумкин.



1- расм: Ўртача тўлиқ энергия (а), координата (б), гармоник тебранувчи ўра учун девор томонидан атом электронига таъсир қилувчи ўртача куч (в) ва босим (г) нинг вақтга боғлиқлиги ($a=5$ нм, $b=0.75$ нм, $\omega = 26 \cdot 10^{16}$ сек $^{-1}$).

“Ностационар ўраларда оптик гармоника генерация” номли учинчи бобда ностационар ўрадаги зарра квант динамикасини, ностационар ўрадаги электрон газ ва водород атомида юқори гармоника генерация масалалари қаралган.

Ўнг деворининг ҳолати вақтга боғлиқ функция, $L(t)$ орқали берилган ҳаракатланувчи девор билан бир ўлчамли ўрада чегараланган квант заррачасини қараймиз. Бундай заррачанинг динамикаси қуйидагидек вақтга боғлиқ Шредингер тенгламаси орқали бошқарилади:

$$i \frac{\partial \psi}{\partial t} = -\frac{1}{2} \frac{\partial^2 \psi}{\partial x^2} \quad (5)$$

Бу тенглама учун чегаравий шартлар қуйидагидек жорий қилинади:

$$\psi(x, t) |_{x=0} = \psi(x, t) |_{x=L(t)} = 0 \quad (6)$$

Тенглама (5) ни ечишда, чегаравий шартларни вақтга боғлиқ бўлмаган (статик) формага алмаштириш керак бўлади. Бу қуйидагидек янги координата, y орқали қилинади:

$$y = \frac{x}{L(t)},$$

ва тўлқин функциянинг алмаштиришидан фойдаланиб,

$$\psi(y, t) = \sqrt{\frac{1}{L}} e^{\frac{i}{2} L(t) \dot{L}(t) y^2} \varphi(y, t),$$

қуйидаги берилган вақт ўлчови билан биргаликда,

$$\tau = \int_0^t \frac{ds}{L(s)^2},$$

Биз тенглама (5) ни қайтадан ёзамиз:

$$i \frac{\partial \varphi}{\partial \tau} = -\frac{1}{2} \frac{\partial^2 \varphi}{\partial y^2} + \frac{1}{2} L^3 \ddot{L} y^2 \varphi. \quad (7)$$

$L(t)$ нинг ихтиёрий вақтга боғлиқлиги учун масала фақат сонли ечилиши мумкин.

Системада динамик чегараланиш конфайнментнинг манбаи сифатида оптик майдондан фойдаланиб амалга оширилади. Бундай системаларнинг типик вариантлари оптик биллиардлар ва оптик твизерлар ҳисобланади. Атом оптик биллиардларда, тез сканерланадиган ва кучли фокусланган лазер нури чегараланган заррачалар учун вақт ўртачаланган квази-статик потенциал ҳосил қилади. Лазер нурининг оғиш бурчакларини бошқариш орқали турли хил шаклдаги ўралар (биллиардлар) ҳосил қилиш мумкин. Оптик твизерларда, кучли фокусланган лазер нурининг радиация босими атомлар ва субатом ўлчамли заррачалар учун динамик қопқон ҳосил қила олади. Соҳанинг заррачалари билан (чегараланган) оптик майдоннинг таъсири гармоника генерацияни ўз ичига олган турли хил ночизикли оптик жараёнларни келтириб чиқариши мумкин. Юқоридаги (7) тенглама орқали тавсифланадиган виртуал системанинг потенциал қисмини монохроматик майдон формасида қуйидагича ёзиш мумкин:

$$V(y, t) = \frac{1}{2} L^3 \ddot{L} y^2 = F \cos \omega \tau y^2 \quad (8)$$

Шу сабабли, виртуал система квант ўра ва квадратик (ночизикли) қутбланган монохроматик майдон орқали бошқарилади деб қараш мумкин. Биз (7) ва (8) тенгламалар орқали тавсифланадиган системада оптик юқори гармоника генерацияни ўрганишга эътибор қаратамиз. Бу ерда биз оптик гармоника генерацияда чегараланишнинг ролига эътибор қаратамиз. Бундай жараённинг асосий физик характеристикаси қуйидагича берилган ўртача дипол моментиدير:

$$\bar{d}(t) = - \langle \psi(x, t) | x | \psi(x, t) \rangle$$

Гармоника генерациянинг спектри қуйидагича ҳисобланади:

$$|d(\omega)|^2 = \left| \frac{1}{T} \int_0^T e^{-i\omega t} \bar{d}(t) dt \right|^2 \quad (9)$$

бунда T таъсирлашишнинг умумий давомийлиги.

r_0 радиусли ўтказмайдиған деворларга эга сферик ўрада чегараланган Z ўқи бўйлаб тарқалаётган частотаси ω_0 ва кучи F бўлган ташқи чизиқли кутбланган монохроматик майдон орқали бошқариладиган водородсимон атомни қараб чиқамиз. Фараз қиламизки, атомнинг ядроси ўра марказида фиксирланган, бундай системада атом электронининг динамикаси учун бизда куйидагича берилган ностационар Шредингер тенгламаси бор:

$$i \frac{\partial \Psi(\mathbf{r}, t)}{\partial t} = (\hat{H}_0 + V) \Psi(\mathbf{r}, t) \quad (10)$$

бунда

$$\hat{H}_0 = -\frac{1}{2} \frac{\partial^2}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} + \frac{l(l+1)}{2r^2} - \frac{Z}{r}$$

ва

$$V = -Fz \cos(\omega_0 t)$$

Бундай режимда (10) тенглама учун чегаравий шартлар куйидагидек жорий қилинади:

$$\Psi(r_0, t) = 0$$

ва бошланғич шарт сферик ўрадаги водородсимон атом электронининг асосий ҳолатидир. (10) тенгламани ечишда, куйидагидек ғалаёнланмаган сферик ўра хусусий функциясининг тўплами орқали ечимларни ёйиш керак бўлади:

$$\Psi(\mathbf{r}, t) = \sum_{nlm} C_{nlm}(t) u_{nlm}(\mathbf{r}, t) \quad (11)$$

бунда $u_{nlm}(\mathbf{r})$ стационар Шредингер тенгламасидан топиладиган сферик ўрада чегараланган квант заррачанинги хусусий функциясидир.

$$\left[-\frac{1}{2} \frac{\partial^2}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} + \frac{l(l+1)}{2r^2} \right] u_{nlm}(\mathbf{r}) = \varepsilon_{nl} u_{nlm}(\mathbf{r}) \quad (12)$$

Бунда сферик симметрия мавжуд, шунинг учун (12) тенгламанинги ечимлари радиал ва бурчак қисмларга ажралади, $u_{nlm}(\mathbf{r}) = R_{nl}(r) Y_{lm}(\theta, \varphi)$, $Y_{lm}(\theta, \varphi)$ сферик гармоникалардир. Ўранинги радиал хусусий функциялари куйидагича ёзилади:

$$R_{nl}(r) = N_{nl} j_l(\lambda_{nl} r) \quad (13)$$

бу ерда j_l сферик Бессел функциялари ва $\lambda_{nl} = \sqrt{2\varepsilon_{nl}}$. Хусусий қийматлар, ε_{nl} сферанинг сиртида берилган чегаравий шартдан топилади. Улар сфера сиртида сферик ўра тўлқин функциясининг нолларидир, $R_{nl}(r)|_{r=r_0} = 0$. Функция u_{nlm} қуйидаги берилган ортонормаллик шартини бажаради:

$$\int u_{n'l'm'}^* u_{nlm} d\mathbf{r} = \delta_{n'n} \delta_{l'l} \delta_{m'm}$$

Юқори тартибли гармоника генерациясининг асосий характеристикаси ўртача дипол моменти ҳисобланади ва у генерацияланган гармоникаларнинг интенсивлигини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Уни ўра ичидаги атом системасида гармоникалар генерацияси учун ҳам қўллаш мумкин. Дипол моменти қуйидагича берилган:

$$\bar{d}(t) = - \langle \Psi(\mathbf{r}, t) | z | \Psi(\mathbf{r}, t) \rangle$$

бунда $\Psi(\mathbf{r}, t)$ тўлқин функция (10) тенгламининг ечимидир. Гармоника генерациянинг спектри (9) формула орқали ҳисобланади.

Тўртинчи бобда "РТ-симметрик оптик қопқонларда заррача квант динамикаси" келтирилган бўлиб, даврий ғалаёнланган квант ўранинг бир ва икки ўлчамли моделлари масаласи ёритилган.

1998 йилда Бендер ва Боттчер ноэрмит гамилтонианли квант системалар ҳақиқий хос қийматли (ҳақиқий спектрли) хусусий ҳолатларга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатишди. Бошқача айтганда, гамилтонианнинг эрмитлилиги унинг хос қийматлари ҳақиқийлигининг зарурий шarti ҳисобланмаслиги ва бундай гамилтонианлар асосида янги квант механика қуриш муминлиги аниқ бўлди. Қуйидаги факт бундай қуришнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Ноэрмит гамилтонианнинг хос қийматлари ҳақиқийлиги ҳолатида системанинг хос ҳолатлари учун тўлқин функцияси модули вақт бўйича сақланувчи ҳисобланади, ҳаттоки, комплекс потенциал соҳаларда ҳам. Аслида гамилтонианнинг исталган хос ҳолати учун

$$\hat{H}\psi_k = E_k\psi_k. \quad (14)$$

Тенглама (14) ни вақтга боғлиқ Шредингер тенгламасига қўйиб,

$$i \frac{\partial \psi_k}{\partial t} = E_k \psi_k. \quad (15)$$

15 тенгламани оламиз. Кўриниб турибдики, исталган ҳақиқий E_k да модул ψ_k вақт бўйича сақланувчи катталиқ ҳисобланади. Аммо бундай гамилтонианнинг хос ҳолатлари ортогонал эмас ва бундай гамилтонианлар

асосида оддий билан таққослаганда ўз-ўзига кўшма квант механикасини яратиш учун скаляр кўпайтма ва нормани қайта аниқлаш талаб қилинади.

Оптикада РТ-симметрия тушунчасини қуйидагича киритиш мумкин. Икки ўлчамли ва бир ўлчамли ҳолатларда Максвел тенгламаси Гелмголтз скаляр тенгламасига келтирилади:

$$\left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial z^2} + \left(\frac{\omega}{c} \right)^2 \varepsilon(x, z) \right) E(x, z) = 0, \quad (16)$$

Бу шаклан стационар Шредингер тенгламаси билан мос тушади;

$$\left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right) \psi_k(x, z) - \frac{2m(V(x, z) - E_k)}{\hbar^2} \psi_k(x, z) = 0. \quad (17)$$

Агар $V(x, z) - E_k \rightarrow (\omega/c)^2 \varepsilon(x, z)$, $\psi_k(x, z) \rightarrow E(x, z)$ ва $-\hbar^2/(2m) \rightarrow 1$ шаклий алмаштиришларни амалга оширсак. Квант механикасида (17) тенглама орқали тавсифланадиган система учун РТ-симметриклик шarti $V(x, z) = V^*(-x, -z)$ потенциал энергияга қўйиладиган талабга келтирилганлиги сабабли, квант механикасидаги потенциал энергия ва оптикадаги диэлектрик ўтказувчанлик орасидаги ўхшашликка мувофиқ оптик системанинг РТ-симметриклик шarti муҳит диэлектрик ўтказувчанликка қўйиладиган шарт каби аниқланади:

$$\operatorname{Re} \varepsilon(\omega, x, z) = \operatorname{Re} \varepsilon(\omega, -x, -z), \quad (18a)$$

$$\operatorname{Im} \varepsilon(\omega, x, z) = -\operatorname{Im} \varepsilon(\omega, -x, -z). \quad (18b)$$

Таъкидлаш жоизки, стационар Шредингер тенгламасига вақтга боғлиқлик кирмайди. Шунинг учун, вақт акслантириш операцияси \hat{T} комплекс кўшма операцияси \hat{K} га эквивалент. Оптикада системанинг T -симметриклиги деб бундан кейин унинг K -симметриклигини тушунамиз ва (18) тенгламани қаноатлантирувчи системаларни РТ-симметрик дея номлашда давом этамиз.

Системанинг РТ-симметрик аналоги зарба потенциалига мавҳум қисмни қўшиш орқали қурилиши мумкин. Шунда зарбанинг РТ-симметрик потенциалини қуйидагича ёзиш мумкин:


$$U_{PT}(x, t) = V(x) \sum_l \delta(t - lT), \quad (16)$$

бунда $V(x) = \varepsilon \cos(2\pi x / \mu) + i\gamma \sin(2\pi x / \mu)$, ε - зарба кучи ва T - зарба кучининг даври, $\gamma \geq 0$ зарбанинг мавҳум қисмининг кучини ўлчайдиган ноэрмит параметр.

Система динамикаси қуйидаги ностационар Шредингер тенгламаси орқали топилади

$$i \frac{\partial}{\partial t} \Psi(x,t) = H_{PT} \Psi(x,t), \quad (17)$$

бунда H_{PT} -ўзида потенциалли U_{PT} мавжуд бўлган Шредингер оператори.



2- расм. $\gamma = 2,72$ эВ, $L = 0,16$ нм, $T = 0,24$ ас ва $\mu = 0,06$ нм бўлганда турли хил зарба кучлари учун ўртача кинетик энергиянинг зарбалар сони функцияси каби (ўқлардаги қийматлар атом вирликларда берилган).


$\Psi(x,t)$ тўлқин функция ўранинг қуйидаги чегаравий шартларини қаноатлантиради:

$$\Psi(0,t) = \Psi(L,t). \quad (18)$$

Юқоридаги 2- расмда ўртача кинетик энергия вақтга боғлиқ функция сифатида тасвирланган. Гарчи, график профили эрмитли қарама-қаршилик профилига ўхшаш бўлсада, $\langle E(t)_{kin} \rangle$ нинг қиймати эрмит ҳолатдагига қараганда анча катта. Эрмит ҳолатгадига ўхшаб РТ- симметрик система учун квазиэнергетик сатҳларни U_{PT} операторнинг хос қийматлари каби ҳисоблаш мумкин.

3-расмда ўртача тўлиқ энергия (а) ва квазиэнергия (б) γ параметрнинг функцияси сифатида тасвирланган. Вақтга боғлиқ бўлмаган комплекс потенциалли РТ- симметрик системаларнинг муҳим хусусияти шуки, Гамильтониан операторнинг кутилган қиймати (энергетик сатҳлар) ҳар доим ҳақиқий ҳисобланади. Аммо вақтга боғлиқ РТ- симметрик потенциал учун вазият умуман бошқача. γ ноэрмит параметрнинг қайсидир (критик) қийматидан бошлаб ўртача квази энергия комплекс бўлади. Бу эффект РТ-симметриянинг бузилиши деб аталади. Бу ерда биз шундай эффектларни текширдик ва шуни аниқладик-ки, γ нинг қайсидир қийматидан бошлаб ўртача тўлиқ энергия ва ўртача квази-энергиянинг мавҳум қисмлари нолдан фарқли

бўлади. 3а- расмда тўлиқ энергия (координата ва вақт бўйича ўртачаланган) γ нинг функцияси сифатида келтирилганда, РТ- симметриянинг $\gamma = 0,19$ да бузилишини кузатиш мумкин. Шунга ўхшаш эффе́ктни 3б- расмда ҳам кузатиш мумкин, бунда ўртача квази-энергия γ нинг функцияси сифатида тасвирланган. РТ- симметриянинг бузилиши содир бўладиган критик қиймати зарбали РТ- симметик роторлар учун қийматидан анча кичик. Бу бизнинг системамизда чегараланишнинг натижаси бўлиши мумкин.



3- расм: $\varepsilon = 2,72$ эВ, $T = 0,24$ ас, $\mu = 0,06$ нм, $L = 0,16$ нм (а) ва $\varepsilon = 2,72$ эВ, $T = 0,24$ ас, $k = 2 \cdot 10^{10} \text{м}^{-1}$, $L = 0,5$ нм (б) учун ўртача тўлиқ энергия (а) ва квази-энергия (б) нинг γ га боғлиқлиги (ўқлардаги қийматлар атом бирликларида берилган).

Икки ўлчамли моделда ҳам ҳисоблашлар бир ўлчовлидагидек кетма-кетликда қилинади. Биллиард ичидаги заррача динамикаси қуйидаги вақтга боғлиқ Шредингер тенгламаси орқали тавсифланади:

$$i \frac{\partial}{\partial t} \Psi(x, y, t) = [H_0 + V(x, y, t)] \Psi(x, y, t) \quad (19)$$

бунда $H_0 = -\frac{1}{2} \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2} \right)$ Гамильтониан ва

$V(x, y, t) = \varepsilon(\cos x + \cos y) \sum_{l=0}^{\infty} \delta(t - lT)$ икки ўлчамли делта-зарба потенциал.

Системанинг тўлқин функцияси, яъни тенглама (19) нинг ечимини қуйидагидек берилган ғалаёнланмаган биллиард тўлқин функциялари орқали ёйилади:

$$\Psi(x, y, t) = \sum_{nm} A_{nm}(t) \psi_{nm}(x, y) \quad (20)$$

бунда $\psi_{nm}(x, y) = \frac{2}{a} \sin \frac{n\pi x}{a} \sin \frac{m\pi y}{a}$, a квадратнинг томони.

(20) бизга ёйиш коэффициентларини аниқ ва тўғри топишга имкон беради:

$$A_{nm}(t+T) = \sum_{n'm'} A_{n'm'}(t) V_{nmn'm'} e^{-iE_{n'm'}T}$$

бунда

$$V_{nmn'm'} = \iint \psi_{nm}^*(x, y) e^{-i\varepsilon(\cos x + \cos y)} \psi_{n'm'}(x, y) dx dy$$

ва

$$E_{nm} = \frac{\pi^2}{a^2} (n^2 + m^2)$$

Бошқарилувчи системада динамиканинг муҳим характеристикаларидан бири бошқарилувчи заррачанинг ўртача кинетик энергияси саналади. Бизнинг система учун у қуйидагича аниқланади:

$$\langle E_k(t) \rangle = \iint \Psi^*(x, y, t) H_0 \Psi(x, y, t) = \sum_{nm} E_{nm} |A_{nm}(t)|^2$$

Ушбу катталиқни ҳисоблаб Ферми тезланиши, ўзаро таъсирлашмайдиган заррачадан газнинг қизиши ҳамда совуши ва шу каби қатор амалий муҳим ҳодисаларни ушбу моделда тадқиқ қилиш мумкин. Таклиф қилинаётган модел конфайнмент остидаги икки ўлчамли электрон газ ва бошқа икки ўлчамли системалар динамикасининг бошқарилувчи транспорти ва бошқаруви нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ташқи даврий майдон билан таъсирлашувчи икки ўлчамли квадрат биллиарддаги заррачанинг ўртача кинетик энергияси вақт бўйича даврийлиги ва зарба даврининг юқори қийматларида энергиянинг амплитудаси ҳамда даври (ташқи майдон даври кичик бўлгандагига қараганда) катта қийматларга эга бўлиши кўрсатилди;
2. Биринчи марта тебраниш параметрларининг мос қийматларини танлаш орқали тебранувчи деворга эга сферик қопқондаги атом электронининг квант динамикасини манипуляциялаш мумкинлиги исботланди;
3. Биринчи марта гармоник тебранувчи деворга эга қопқонда атомнинг диффузион уйғониши ва ионизацияланиши мумкинлиги кўрсатилди;
4. Сферик қопқон радиуси тез торайганда атомда жуда юқори босим юзага келиши ва атомнинг энергетик ҳолатлари мусбат бўлиши кўрсатилди;

5. Ностационар чегараларга эга квант ўранинг оптик реализациясида квант режимда юқори оптик гармоникаларни генерациялаш мумкинлиги кўрсатилди;
6. Оптик майдон таъсири остидаги “атом+квант сферик ўра” системасида генерацияланган юқори гармоникалар интенсивлиги эркин атомдагига караганда пастроқ бўлади;
7. Биринчи марта конфайнментли РТ-симметрик квант системанинг модели мисолида ноэрмитлик параметрининг аниқ қийматлари учун бу системада РТ-симметриянинг бузилиши мумкинлиги кўрсатилди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ
DSc.03/30.12.2019. FM.01.09
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАХМАНОВ САПАРБОЙ ЗАРИПОВИЧ

МОДЕЛИРОВАНИЕ КВАНТОВОЙ ДИНАМИКИ И
НЕЛИНЕЙНЫХ ОПТИЧЕСКИХ ЯВЛЕНИЙ В АТОМЕ
ВОДОРОДА В НЕСТАЦИОНАРНЫХ ЛОВУШКАХ

01.04.02 – Теоретическая физика
01.04.05 – Оптика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/FM200.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Матрасулов Даврон Урунович
доктор физико-математических наук, профессор

Эшчанов Баходир Худайбергенович
доктор физико-математических наук

Официальные оппоненты:

Сапаев Усман Каландарович
доктор физико-математических наук

Байзаков Бахтиёр Байзакович
кандидат физико-математических наук

Ведущая организация:

Самаркандский Государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Разового Научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.FM.01.09 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № __ (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.

(протокол реестра № __ от «__» _____ 2021 г.).



М.М. Мусаханов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор физико-математических наук, академик.

Б.А. Файзуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат физико-математических наук, доцент.

Б.Дж. Ахмедов

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор физико-математических наук.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Многочисленные научные и практические исследования по всему миру показывают, что в настоящее время актуальны исследования, направленные на управление квантовыми свойствами простых атомов, путем заключения их в различные ловушки. В случаях, когда ловушка создается с помощью внешних электромагнитных полей, важным является изучение и контроль сопутствующих процессов, обусловленных нелинейными оптическими явлениями, такими как возбуждение и ионизация атома, его охлаждение, а также генерация высоких оптических гармоник при взаимодействии атома с оптическим полем ловушки. Моделирование нелинейных оптических процессов в ловушках с атомами является одной из важнейших задач в таких сферах как атомная физика, физика ультрахолодных атомов, нелинейная и квантовая оптика, аттосекундная и лазерная физика. При этом свойства атомов в ловушках полностью отличаются от свойств свободного атома, то есть физические характеристики электронов атома сильно зависят от геометрической формы и размера ловушки. В связи с этим представляет интерес изучение нелинейных оптических явлений в квантовом режиме в атомах и молекулах, заключенных в ловушки.

Исследования во всем мире показали, что изучение атомов в стационарной и нестационарной квантовых ловушках играет важную роль в задачах атомного охлаждения, атомных оптических биллиардах, атома в молекулах фуллерена и углеродной нанотрубки, свойств атома под сверхвысоким давлением. Кроме того, одной из актуальных задач в оптике и квантовой физике является определение свойств волн атомного электрона и исследование численных решений волновых уравнений с помощью стационарного и зависящего от времени уравнений Шредингера. Практические и теоретические исследования показывают, что спектр генерации гармоник (интенсивность генерации гармоник) в свободных атомах резко уменьшается с увеличением порядка гармоник. Получение спектра, который не уменьшается резко, и интенсивности высокого значения являются одними из целевых исследований.

В нашей республике усилилось внимание на актуальные направления оптики и теоретической физики, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. В том числе, особое внимание уделяется теоретическим исследованиям и практическим разработкам, направленным на использование системы “атом+ловушка” в квантовой информатике и квантовых технологиях. Значительные результаты достигнуты при исследовании квантовой динамики одноэлектронных атомов в нестационарной ловушке и нелинейно-оптических процессов и при решении актуальных теоретических и практических задач. Определены основные задачи и направления деятельности научных исследований на уровне международных стандартов в приоритетных областях в «Электроника, физика

наноматериалов и прикладная математика»². При обеспечении исполнения постановления важно развивать теорию решения задачи атомов и молекул в ловушке.

Настоящая диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и Указа Президента №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан – II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

